Эътироф, эҳтиром, эъзоз

# ИШОНЧ КЎПРИГИ

*1986 йил 26 декабрдан то 1989 йил 27 июлгача бўлган даврни қашқадарёликлар ҳавас билан эслашади. Хўш, бу давр нимаси билан Қашқа воҳаси одамларининг хотирасида қолган?*

*Айтиш керакки, 1987 йилгача қарийб 10 минг қашқадарёлик «ўзбек иши»да айбланиб қамалган, хўрланган, ҳақоратланган, иззат-нафси поймол этилган эди. Натижада 3 йил ичида 700 минг тонна пахта кам тайёрланган. 143 хўжаликдан 136 тасида режа бажарилмаган. Ҳосилдорлик 14,5 центнерга тушиб қолган. Сабаби одамларнинг қўли ишга бормаган, оддий бригадирдан тортиб, хўжалик раҳбаригача терговга қатнаган, сарсон-саргардон бўлган. Ҳақоратлардан ер ёрилса, ерга киргудай аҳволга келган. Ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб, раҳбарга ишончини йўқотган. Қўрқув, ҳадик, ваҳима билан яшаган. Шундай бўлгач, пахта далалари ғўзапоядан тозаланмаслиги, ерлар шудгор қилинмаслиги табиий ҳол эди-да. Ана шундай бир даврда, яъни 1986 йил 26 декабрда вилоятга янги раҳбар келади.*

У ҳам «қама-қама»ни давом эттирадими ё бошқа йўл тутадими? Қани нима қиларкин? Бош омон бўлса, кўз кўради. Эсон бўлсак кўраверамиз-да, деган одамлар янги раҳбарга умид кўзини тикиб туришарди.

«1987 йил бошларида бу ерда ишлай бошлаганимда одамлар билан маслаҳатлашиш, халқ фикри билан ҳисоблашишдек ягона йўлни танладим. Дастлаб қилган ишларимдан бири, кексаларни тўплаб беришни сўраш бўлган эди. Мен улардан одамлар билан таништиришни илтимос қилдим: кимнинг ортида ким турибди, томири қандай, қаерда униб-ўсган? Ким қайси районда етакчи, одамларни ўз ортидан яхшилик ёки ёмонлик йўлига эргаштира оладими? Буларнинг барини билиш учун улар билан бир эмас, уч марта учрашдим».

Янги раҳбар ана шундай йўл тутди. Қашқадарёда гап ётмайди. Унга умид кўзини тикиб турган Қашқадарёга бу гап яшин тезлигида овоза бўлиб кетди. Шунинг учун «пахта иши» билан қамалганларнинг хотинлари, бола-чақалари, қариндош-уруғлари ундан нажот истаб мурожаат қила бошладилар. Мурожаат қилган жабрдийдаларнинг дарди ариб, кўздан ёши тина бошлади. Арзгўйлар илк бора раҳбар тимсолида оддий, самимий, бағрикенг, жабрдийдаларга ичи ачийдиган инсонни кашф қилдилар. Энди сафсатабозлик, ваъдабозлик, қуруқ гап, ёлғонга ўрин қолмаган эди. Бу эса одамларни оҳанрабодек ўзига торта бошлади. Шу тариқа, янги раҳбар ҳалоскор сифатида элга танилди.

«Агарда мен мана шу бетакрор заминда бағри кенг, меҳнаткаш ва заҳматкаш, ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган, чидамли, сезгир, керак бўлса буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш у ёқда турсин, жонини ҳам беришга тайёр турган халқни яқиндан билмасам, унинг кенг имкониятларини билмасам, ўзимни қийнаб ўтирмасдим.

Гап бундай имкониятларга эга бўлиш, халқни бошқариш, унинг ичи, юрагидаги ғам-ташвишларидан хабардор бўлиш, уни ҳимоя қилиш, ёруғ мақсадларга чорлаш — бунинг ҳаммасини кимдир ўз зиммасига, елкасига олишдадир».

Шундай ўйда, шундай фикрда бўлган раҳбар Қашқадарёнинг залворли юкини елкасига олди. «Қашқадарё вилояти битмас-туганмас тараққиёт имкониятларига эга. Унумдор чўлимиз, тароватли ва саховатли ерларимиз бор. Энг асосийси улкан вазифаларни ҳал этишга қодир одамларимиз бор», деган қатъий фикрга келганди у. Шунинг учун у «Олға юришни хоҳлайдиган ва юра оладиган, ўйлаб иш тутадиган, ҳаракатчан, амалий самараларга эришиш уддасидан чиқадиган ходимларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш керак», деган тамойилда қаттиқ турди. «Ҳаракатчан ва қатъиятли, эски қолипдан узоқ, давр руҳини яхши тушунадиган кишиларни» қўллаб-қувватлади. Зотан «фидойи кадрларсиз Қашқадарёни қутқариб бўлмайди». Буни у яхши биларди. Билгани учун ҳам «фақат ижрочи эмас, ташаббускор раҳбар керак», деган гапни баралла айтди. Масалан, туманни бошқарадиган киши, аввало, етук, билимли, ҳаётий тажрибаси катта, мулоҳазали, фақат бугунни эмас, эртани ўйлаб иш кўрадиган, оғир, босиқ, одамларни эшитадиган, қиёс ва таҳлил қилиб, солиштириб, чоғиштириб тўғри хулоса чиқарадиган, ҳам оёқ остига қарайдиган, ҳам олдиндан кўра оладиган, узоқни кўзлайдиган киши бўлиши керак. Элнинг етакчиси бошқалардан бир калла баланд бўлиши, бўйи кўпнинг ичидан кўриниб туриши лозим.

Янги раҳбар «Одамларнинг эҳтиёжини қондириш — ишимизнинг мазмун ва моҳияти ана шу билан белгиланади», деган талабни қатъий қилиб қўйди. «Узоқ йиллар мобайнида кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш масалалари ёмон ҳал этиб келинди. Социал ҳаётдаги қайси соҳани олиб кўрмайлик, ҳаммасида охирги ўринни эгаллаб турибмиз. Бу одамлар фаоллигини оширишга тўғаноқ бўлаётган энг йирик муаммодир. Биз раҳбар кадрларнинг эътиборини бу масалага эндигина қарата бошладик. Аҳолини газ билан таъминлаш 17 фоизни, қишлоқда эса 4 фоизни ташкил этади. Раҳбарлар кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларига бефарқ қарамоқдалар, уларнинг қандай ва нима ҳисобига яшаётганликларини билмайдилар, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этмайдилар». Халқ ичига кириб боргани сайин янги раҳбар бунга тобора кўпроқ ишонч ҳосил қила бошлади. Шунинг учун ҳам у «ҳозирги вақтда раҳбарликда билимдон, ўз ишининг мутахассиси, маънавий салоҳияти юқори бўлган кадрлар туриши керак. Энг асосийси улар амалий натижани таъминлай оладиган бўлсинлар. Фақат мана шундагина ва яна шундагина биз халқнинг ишончини оқлай оламиз». Бу тамомила янги гап, янги талаб, янгича иш услуби эди. Шунинг учун бундай гап, бундай иш тутуми халққа ниҳоятда ёқди. Натижада янги раҳбар қайга деса отланадиган даражага келди. Буни сезгирлик билан англаган янги раҳбар «одамлардаги шижоатни сўндирмаслик, аксинча уни янада кучайтириш, ташаббус ва ижодкорликка кенг йўл очиш лозим, янгилик ва яхшилик куртакларини авайлаб парвариш қилмоқлик, мулоҳазали, ҳаракатчан, амалий натижаларга эриша оладиган ходимларни ҳар тарафлама қувватламоқ лозим бўлади», дейиш билан чекланмади. Балки бу йўлни изчил давом эттирди. Шу тариқа Қашқадарёда орқага кетиш 4 ойда тўхтатилди. 4 ой — Қашқадарёдек вилоятни инқироздан тўхтатиш учун бу жуда оз фурсат. Шунинг ўзиёқ янги раҳбарнинг нақадар катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатувчи далилдир. 1987 йили вилоятда 400 минг тонна, 1988 йилда 552 минг тонна пахта тайёрлашга эришилди. Йил сайин пахта тайёрлаш кескин ошди, бошқа соҳаларда ҳам ана шундай ўсиш кузатилди. Энг муҳими, шу йилдан эътиборан Қашқадарёда одамларга ғамхўрлик кучайди. Ўз вақтида буни москвадагилар турлича талқин қилишган. Тараққийпарварлар бунга холисона баҳо беришган. Жумладан, Фёдор Бурлацкий кейинроқ шундай деб ёзган: «Ислом Каримов Фарғона воқеалари (1989 йил) Москвада тахмин қилинганидек, миллатчилик билан эмас, Ўзбекистон халқи, авваламбор, деҳқоннинг оғир турмуш шароити билан боғлиқ эканини тушунган эди. У пайтда аҳолининг ўсиш суръати 3,5 фоизни ташкил этган бўлса-да, қишлоқ тобора қашшоқлик ва умидсизлик ботқоғига ботиб борарди». Ҳа, бу рост эди. Ахир ўша йиллар Қашқадарёдаги 180 та қишлоқда ичимлик суви йўқ. 206 та қишлоққа табиий газ келмаган эди. Газнинг устида ўтирган одамларнинг аҳволи ана шундай эди. Шундай бўлгач, одамларнинг «қашшоқлик ва умидсизлик ботқоғига» ботиши табиий эмасми? Шунинг учун янги раҳбар «Ҳаётнинг қайси бир томонини, фаолиятнинг қайси бир соҳасини олмайлик, ҳозир ҳамма жойда фаол изланишлар, тоза қарашлар, қолипга кирмаган ёндашувлар ва айрича ечимлар зарур бўлиб турибди. Одамлар аллақачонлар ваъдалардан бўғзига қадар тўйиб бўлдилар, улардан чарчадилар, турмуш шароитини яхшилаш учун энди амалий ишлар қилиш керак», деб шу ишга бош-қош бўлди. «Одамлар билан оддий, улар учун тушунарли бўлган тилда, уларни қизиқтирадиган ва тўлқинлантирадиган масалалар ҳақида гаплашиш даркор», деб уқтиради. Яна таъкидлайдики, «кўпинча кишиларга ишчи кучи сифатида муносабатда бўладилар. Инсонни, унинг фикрлари, эҳтиёж ва муносабатларини ҳисобга олмайдилар. Ҳар бир раҳбар ходим оддий меҳнаткашлар билан мунтазам учрашиб туриши ва уларни қизиқтирган масалаларни ҳал этишни одат тусига киритиши зарур. Ҳар доим кишиларга яқин туриш, уларнинг манфаатларини ҳисобга олиш, улар билан яқиндан алоқада бўлиш керак». Шундай иш тутгани учун ҳам айнан ана шу раҳбар Қашқадарёда бозорлар қиёфасини тубдан ўзгартирди. Нафақат бозорлар, шаҳар ва қишлоқларда кенг кўламда ободончилик ва қурилиш ишлари авж олиб кетди. Янги раҳбар (1987 йили) бежизга «бугун ҳар биримиз қурувчи бўлишимиз керак» демаган. Бу сўзлар тагида катта маъно бўлган. Ўша вақтдаёқ янги раҳбар тарихий, муқаддас зиёратгоҳларни обод қилишни бошлаган.

Шу боис одамларда унга нисбатан беқиёс ҳурмат, ишонч пайдо бўлди. Зотан, ана шундай ишончгина раҳбар билан халқ ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Ишонч бўлмаса, кўприк бўлмайди. Ишонч кўприги бўлмаса, раҳбар халқ ичига киролмайди. Халқ ҳам раҳбарга яқин йўламайди. Ишонч қозониш эса осон эмас. Одамларни орқадан эргаштириш, элга етакчилик қилиш ҳамма даврларда ҳам донишмандлик, адолатпарварликни талаб қилган. Амир Темур «Тузуклари»ни ёдга олинг. Етакчилик ҳам ҳаммага насиб қилавермайди. Раҳбарликнинг мактаби йўқ. Раҳбарлик қобилияти ҳам туғма бўлади. Кимдир ўқиб, ўрганиб, малака ошириб, шу қобилиятни ривожлантириб, эл кайвониси — оқсоқолга айланади. Кимдир раҳбарликка ҳавас қўядию, унинг ҳавасида босар-тусарини билмай, ердан оёғи узилаётганини ҳис қилмай қўяди. Раҳбарлик эл манфаати учун жон куйдириш, фидойилик эканлигини унутади. Қашқадарёни Бухорога қўшиб юбориш «Бош схема»сини ўйлаб топганлар, уни амалга оширмоқчи бўлганлар ана шундайлар сирасига киради. Бироқ вилоятнинг янги раҳбари Қашқадарё манфаатини ўйлаб, кўкрагини қалқон қилди. Москвага боришдан ҳайиқмади. Вилоятларни қўшиш режаси нотўғри эканлигини исботлади. Таҳлил, таққос, мантиқ ўз кучини кўрсатди. Қашқадарё алоҳида вилоятлигича қолди.

Янги раҳбарнинг одамлар манфаатини кўзлаб, 1989 йилгача 19 минг гектар ерни томорқа учун ажратиб берганлиги ўша пайтда нафақат жасорат, балки ҳақиқий фидойилик эди. Кейинчалик бу тажриба бутун республикага татбиқ этилди. 350 минг гектар ер томорқа учун ажратилди. Бу 1990 йилнинг бошида рўй берди. Бу даставвал Қашқадарёда синовдан ўтган эди. Албатта, бундай қарор КПСС Марказқўмидагиларга ёққан дейсизми? Йўқ. Кейинчалик маълум бўлишича, ўша раҳбарни «ўзбошимчалиги» учун ишдан олиб ташламоқчи бўлишган. Шуларни вилоятнинг янги раҳбари билмаганми? Билган. Бироқ унинг учун халқ манфаатидан азизроқ нарса бўлмаган. У амал, мансаб учун эл манфаатини қурбон қилмаган. Бундай мисоллар жуда кўп. Замондош раҳбарларимиз ана шу масалаларни биладиларми? Билганларга ҳам, билмаганларга ҳам эслатиш фойдадан холи эмас. Бу Қашқадарёнинг ўша пайтдаги раҳбари Ислом Каримов эди. Ислом Каримов Қашқадарёда ана шундай ишлаганди. «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш» кераклигини амалда кўрсатганди. Демак ўша кунларни эслаш ва ибрат олиш, фақат фойда келтиради, деб ўйлайман. Чунки Ислом Каримов 1989 йилдаёқ «Агар Қашқадарёда раҳбар тубан кетдими, қаердадир, нимададир хатога йўл қўйдими, қандайдир нотўғри хатти-ҳаракат қилдими, такаббурликка йўл қўйиб, номини булғадими, халқнинг кўз ўнгида бундай раҳбарни қайта тиклаб бўлмаслигига мен ишонч ҳосил қилганман. Бу Қашқадарёнинг асосий хусусиятидир», деб эътироф этган, огоҳлантирган. Ҳаётда бунга гувоҳ бўлиб турибмиз.

Кези келганидан фойдаланиб, яна бир нарсани айтиб ўтайлик. У ҳам бўлса, раҳбарнинг шахсий ибрати, шахсий намунаси ҳақида. Ислом Каримовнинг Қашқадарёга раҳбарлик даври барча даражадаги раҳбарлар учун мактабдир. Чунки эндиликда «Ўзбек модели» сифатида тан олинган халқ хўжалигини бошқаришнинг 5 тамойили илк бор Қашқадарёда туғилган, ҳаёт синовидан ўтган. Қашқадарё тажрибаси, кейинчалик у киши мустақил Ўзбекистон раҳбари бўлгач, кенг кўламдаги иқтисодий таълимотга пойдевор вазифасини ўтади.

«Мен қаерда бўлмайин, ишонаманки, Қашқадарёнинг келажаги порлоқ», деган сўзларидан қашқадарёликлар ғурур ва ифтихор туйишади. «Ислом Каримов раҳбар бўлиб келган кунданоқ Қашқадарёда об-ҳаво ҳам, нарх-наво ҳам ўзгарган, халқнинг кайфияти кўтарилган эди», дейишади одамлар. Ҳа, Ислом Каримов 2,5 йилнинг нари-берисида Қашқадарёда яхшилик, эзгулик боғини яратди. Энди ана шундай боғ бутун Ўзбекистонда гуллаб-яшнамоқда. Бунинг ҳаммаси раҳбарнинг эл манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйганлиги, халқнинг кўнглига йўл топа олганлиги, шу тариқа ишонч кўпригини барпо эта олганлиги натижасидир.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тадбиркорга ким қайишади?

(Давоми. Боши 1-бетда).

шуғулланувчи кичик корхоналар тармоқларини ривожлантиришда чет эл банклари ва фирмалари, халқаро молия ташкилотларининг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Вилоятдаги мавжуд кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига зарур шароит яратилмаганлиги улардан айримларининг фаолиятини тўхтатишга олиб келган. Масалан, вилоятда 2002 йилнинг 1 декабригача бўлган ҳолатга кўра, 32 та қўшма корхона ташкил этилган бўлиб, ҳозирда шулардан 5 таси ўз фаолиятини тўхтатган. Ҳатто вилоятдаги Янгиариқ туманида бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаган.

Маълумки, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишларга палата мутахассисларини жалб этиш тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. 2002 йил давомида вилоятда ўтказилган текширишларнинг бор-йўғи 420 тасида палата мутахассислари иштирок этган. Жойлардаги айрим туман палаталари ҳамон эскича иш услубига барҳам берганлари йўқ. Ҳолбуки, тадбиркорлар палатага эмас, палата ходимлари тадбиркорлар хизматида бўлишлари керак эди.

Шунингдек, йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалдаги меҳнат қонунларига зид равишда ҳокимият ижроия маҳкамаси таркибида бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик ва акциядорлик жамиятлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо қўллаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётганлиги, айрим мансабдор шахслар ўз ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликларининг фаолиятига тўсқинлик қилиб, уларнинг манфаатларига жиддий зиён етказаётганликлари айтиб ўтилди. Шу боис, вилоят ҳокимлиги тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилинаётганлигининг сабабларини таҳлил қилиши, йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариши, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириши, тадбиркорларни рўйхатга олиш ва молиялаштириш жараёнларини тезлаштириши кераклиги, шунингдек, маҳаллий солиқлар борасида имтиёзлар яратиш, ахборот-маслаҳат ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда вилоятга чет эл инвестицияларини жалб қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Марказий Осиё мамлакатлари ва хориж сармояси

Пойтахтдаги "Шодлик палас" меҳмонхонасида "Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда иқтисодий ислоҳотлар ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёни: ўтмиш сабоқлари ва Марказий Осиёнинг ривожланиш истиқболлари" мавзуидаги икки кунлик халқаро конференция якунланди. Ушбу тадбир Иқтисодий тадқиқотлар маркази (ИТМ) томонидан БМТ Ривожланиш Дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шафеълигида ташкил этилди.

Анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари, БМТ Ривожланиш Дастури, хусусий сектор вакиллари, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан ташриф буюрган иқтисодиёт масалалари билан шуғулланувчи халқаро экспертлар, шунингдек, техник ҳамкорлик бўйича халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлислардан ташқари конференция иштирокчиларини қизиқтирадиган барча мавзулар бўйича норасмий мунозаралар ва маслаҳатлашувлар ўтказилди. Биринчи кун охирида конференция қатнашчилари "Кабул-Ўзбек Ко ЛТД", "Шайхонтоҳур текстил" қўшма корхоналари, "Файз" холдинг компанияси, "Пахта-банк" акционерлик-тижорат банки, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва "Барака" лизинг компанияси каби етакчи корхоналарга ташриф буюришди.

Конференциянинг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши юксак геоиқтисодий ва геосиёсий салоҳиятга эга мамлакатимиз ва минтақамиздаги бошқа давлатларга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан изоҳланади. Мамлакатимизда ва минтақа давлатларида иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши — макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга эришиш орқали аҳолининг реал даромадини ошириш — минтақада ижтимоий ва сиёсий барқарорликка эришишнинг энг муҳим омилидир. Шу сабабли минтақамиз давлатларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси халқаро ҳамжамият томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Конференция иштирокчилари иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларнинг хориж инвестициясини тўғридан-тўғри жалб этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва молия соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги илғор тажрибаси ҳамда уни Марказий Осиёдаги шароитга мослаштириш борасидаги таклифлар билан танишди.

Конференция якунида минтақа мамлакатлари ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш, уларнинг божхона ва солиқ қонунчилигини мувофиқлаштириш, ягона иқтисодий ҳудуд яратишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ёқилғи-энергетика саноатига, энергия таъминоти объектларини қуриш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига хориж сармоясини жалб этиш зарурлиги қайд этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев қатнашди.

**(ЎзА).**



*Тойлоқ туманидаги 29-ўрта мактабда кичик академия ташкил этилган бўлиб, у ерда ўқувчилар математика ва физика фанларидан чуқур билим олишади. Абдулла Қодирий номи билан аталувчи ушбу мактабнинг ўқитувчилари ҳам бошқа мактаблардагидан фарқли. Уларнинг барчаси олий тоифали ўқитувчилар ва малакали олимлардан иборат.*

*Мазкур билим даргоҳида ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир синф хонаси замонавий ўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Улар бу ерда пухта билим олиш билан бир қаторда ҳунар ҳам ўрганишади. Дарсдан бўш вақтларда эса мактаб иссиқхонасида сабзавотлар парвариши билан ҳам шуғулланишади.*

**СУРАТЛАРДА: компьютер хонасида; мактабнинг аълочи ўқувчиси Дилноза Солиева; меҳнат ўқитувчиси Сумбила Рўзибоева зеҳнли шогирди Баҳора Хўжаназарова билан.**

**Тоҳир Норқулов (ЎзА) олган сурат.**

# Журналнинг навбатдаги сони

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси» навбатдаги — еттинчи сони нашрдан чиқди.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи билан бошланади.

Журналда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси тўғрисида"ги қарори эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг таркиби ҳам чоп этилган.

Журнал ўз муштарийларини Конституциявий суднинг "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасини шарҳлаш тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддаси тўртинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида"ги қарорлари билан таништиради.

ЎзА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раиси Б.Мустафоев билан суҳбати мавзуи "Судлар мустақиллиги — қонун устуворлиги мезони" деб аталади.

"Конституция ва жиноят ҳуқуқи" рукнида "Жиноят процесси принципларининг конституциявийлиги", "Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор иштирокининг конституциявий асослари", "Жиноят ишини тугатиш йўли билан конституциявий айбсизлик презумпцияси принципини рўёбга чиқариш" мавзуидаги мақолалар эълон қилинган.

"Демократия ва жамият" бўлимида "Фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари ва адвокатура" мавзуидаги мақола чоп этилган.

"Ахборотнома"да Конституциявий судда бўлиб ўтган "Конституция қоидаларини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуидаги илмий-амалий конференция иштирокчиларининг маърузалари эълон қилинган.

"Ўқувчи муаммо қўяди" рукнида "Конституцияга хилоф қонун ҳужжати туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик масаласи хусусида" мавзуидаги мақола берилган.

Ахборотноманинг "Воқеалар" бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2001-2002 йиллардаги фаолияти ҳақида сўз юритилади.

**(ЎзА).**

# «Ҳокимни ажратиб берсангиз»

## Хўжалик судларига шу мазмунда тушган аризалар ижобий ечимини топмоқда

*2001 йилда Жиззах вилоят хўжалик суди томонидан 1809 та низо кўриб, ҳал этилган бўлса, 2002 йилда 3855 та низо ўз ечимини топди. Бу яхшими ёки ёмон? Албатта, низоли ҳолатнинг бўлмагани яхши. Лекин келтирилган рақамлардаги ўсиш, аввало одамларда адолатга ишонч ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Бир йилда 3855 та низо қонун талаблари асосида кўрилиши 19 миллиард сўм пул ўз жойини топганлигини англатади.*

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирокидаги 1590 та ишлар ҳал этилиб, уларнинг фойдасига 631 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди. Жумладан, Арнасой туманидаги «М.Коризий» фермер хўжалиги билан Дўстлик дон қабул қилиш корхонаси ўртасида тузилган давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича контрактация шартномасига биноан фермер тайёрловчига шартномавий режадаги 142 тонна ўрнига 190,6 тонна ғалла дони топширган. Тайёрловчи режадан ортиқча топширилган 48,6 тонна ғалла учун шартномавий нархларда фермерга ҳақ тўлаши лозим бўлса-да, ўз мажбуриятини бажармаган, фермернинг тайёрловчи олдига ўз ҳақини тўлаб беришни сўраб ялиниб-ёлворишлари фойда бермаган. Шундан кейингина фермер даъво аризаси билан вилоят хўжалик судига мурожаат этган. Суднинг ҳал қилув қарори билан фермер хўжалигининг даъвоси қаноатлантирилиб, унинг фойдасига тайёрловчидан ортиқча топширилган маҳсулотнинг ҳақини бозор баҳосида (826.200 сўм) ундириб берган.

**Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 3-моддасида хўжалик судларининг асосий вазифаларидан бири иқтисодиёт соҳасида қонун бузилишининг олдини олишдан иборат эканлиги кўрсатилган.**

Шу мақсадда вилоят хўжалик судининг маҳаллий ҳокимият, прокуратура, ички ишлар ва бошқа идоралар билан ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айни пайтда вилоятда жамоа ва ширкат хўжаликлари ўрнида 9 мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил этилган. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари ишини мувофиқлаштириш, уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида жамоа, ширкат хўжаликлари базасида агросервис марказлари таъсис этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу марказлар — фермер хўжаликларининг ихтиёрий бирлашмалари бўлиб, уларга моддий-техникавий, агротехника, агрокимё ва бошқа сервис хизматларини кўрсатиш, тузиш ва бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш, ҳуқуқий ёрдам беришни амалга оширади. Фермер хўжаликлари, агросервис марказининг ташкил этилиши ерга муносабатнинг ўзгаришига, қишлоқда мулкий муносабатларнинг ривожланишига омил бўлмоқда, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартнома муносабатларини такомиллаштирмоқда. Бу эса ўз навбатида хўжалик судлари олдига янги вазифаларни қўймоқда.

Вилоят хўжалик суди томонидан ўтган йилда биргина ерни ижарага бериш, ердан фойдаланишга оид 800 тадан ортиқ низо кўриб чиқилди. Ерни узоқ муддатга ижарага олган кўплаб фермер хўжаликлари ўзларида эгалик ҳиссини туйган ҳолда ерга меҳнатини аямасдан давлат буюртмасига асосан ғалла ва пахта маҳсулотлари етиштириб, ўзларининг шартномавий режаларини уддалаган бир пайтда баъзи фермерлар ерни ҳар эҳтимолга қарши «керак бўлиб қолар», деган мақсадда олиб қўйганликлари ёки ердан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб келаётганликлари аниқланди.

Жумладан, Зомин туманидаги «Сардор» (69 гектар), «Бунёд-2 (20 га), «Феруз-Э» (16 га) фермер хўжаликлари ўзларига берилган ер майдонларига давлат буюртмасида кўзда тутилган пахта ўрнига полиз маҳсулотлари етиштирганлар. Бу билан фермер хўжалиги ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномаси мажбуриятлари ва «Ер тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддаси талаблари қўпол равишда бузилган. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига кўра, ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномалари бекор қилиниб, ер майдонлари қайтариб олинди.

Шуни таъкидлаш керакки, хўжалик суди томонидан ишларни кўриб чиқишда айрим мансабдор шахслар томонидан ер ресурслари талон-торож қилинаётганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган ерлар турли хил қонунсиз битимлар объекти бўлаётганлиги аниқланиб, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Зарбдор туманидаги «Андижон» ижара ширкатлар бирлашмаси раиси Б.Қўзибоқаров ўз мансабини суиистеъмол қилиб, «Бобур-Н» фермер хўжалигига тегишли 15 гектар ерни ўзбошимчалик билан фуқароларга полиз маҳсулотларини етиштириш учун олинадиган ҳосилни «арра» қилиш шарти билан бериб юборган.

**Хўжалик суди томонидан Б.Қўзибоқаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а» банди, 209-модданинг 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.**

Хўжалик судида кўриб чиқилган низоларнинг каттагина қисмини шартнома мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ низолар ташкил этиб, даъвогарлар фойдасига 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди. Йиллаб ўз ҳақларини талаб қилиб тайёрловчи, таъминотчи корхоналар ҳузурига қатнай-қатнай чарчаган тадбиркорлар «...ҳақиқат бор экан-ку! Олдинроқ судга келсам бўлар экан», деган хулосага келдилар.

Биргина мисол: хусусий тадбиркор «Ашуров Ю» 2001 йилда Дўстлик дон маҳсулотлари ОТАЖга шартнома асосида 3,8 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берган. Товарни қабул қилишда қисқа муддат ичида унинг ҳақини тўлашга ваъда берган Дўстлик дон маҳсулотлари раҳбарлари шартнома шартларига беписандлик билан қараб, тадбиркорнинг ҳақини тўлашни ўзларига эп билмаганлар. Тадбиркор роса бир йил корхона раҳбарининг ҳузурига қатнаган. Аммо, бу чопа-чоплар ҳеч қандай натижа бермаслигига амин бўлгач, хўжалик судига мурожаат этган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан жавобгардан Ю.Ашуров фойдасига 3,8 миллион сўм асосий қарз 2,4 миллион сўм жарималари билан ундириб берилди, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шу ўринда масаланинг бошқа бир томонини ўйлаб қоласан киши: Дўстлик дон маҳсулотлари ОТАЖ раҳбарининг биргина шартномани бузиши корхонага 2,4 миллион сўмлик зарар келтирди, акциядорлик жамияти аъзолари манфаатларига жиддий зиён етказилди. Тўғри, хўжалик суди томонидан корхона раҳбари моддий жавобгарликка тортилди. Аммо, бу жамият аъзоларига етказилган зарарни қоплайдими?

Ўтган йилда вилоят хўжалик суди томонидан ишларни кўриб чиқиш давомида аниқланган қонунбузарликлар юзасидан 11 та жиноят иши қўзғатилди. 333 та шахс маъмурий, 146 шахс моддий, 130 шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 17 та шахс эгаллаб турган лавозимларидан озод этилган.

Хўжалик судларининг нуфузи кундан-кунга кўтарилиб бораётганлиги, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг судларга бўлган ишончи ошаётганлиги ҳаммага маълум. Бугун хўжалик судларининг туман бўлинмаларини очиш зарурияти янада кучаймоқда. Бу, биринчидан, хўжалик судларида ишлар сонининг сезиларли ошиши билан изоҳланса, иккинчидан, тадбиркорлик субъектларининг фақат вилоят марказларидагина жойлашган хўжалик судларига келиб, мурожаат этишларидаги қийинчиликларда намоён бўлади.

Бу муаммони қисман ҳал этиш мақсадида ҳозирча ишларни жойларга чиқиб, сайёр суд мажлисларида кўриш амалиётини қўллаяпмиз. Тадбиркорларга қулайроқ бўлиши учун 2002 йилда 1300 га яқин ишлар бевосита жойларга чиқиб кўриб чиқилди.

Бизнингча, хўжалик судларининг туман бўлинмаларининг ташкил этилиши тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади.

**Комил СИНДАРОВ,**
**Жиззах вилояти хўжалик суди раиси.**

